

ТУРКОЛОГИЯДА МАҲМУД КОШҒАРИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Зилола И. Сатторова

PhD талабаси

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: туркология, кошғарийшунослик, энциклопедик олим, Барсган, Бухоро мактаби, Қорахонийлар сулоласи, асл нусха, ўғуз матеали, Ал Қаим, Ал Муктадий, библиография.

Аннотация: Мазкур мақолада муаллиф туркшуносликда ўзининг “Девони луғати-т-турк” асари билан машҳур бўлган буюк энциклопедик олим маҳмуд Кошғарийнинг ҳаётий фаолиятининг ўрганилиши юзасидан фикр юритилади.

Бу борада олимлар турли тадқиқотларини эълон қилдилар. Кошғарийнинг насл насаби Қорахонийлар сулоласига бориб тақалиши, олимнинг сулола вакили эканлиги, таҳсил олган ва яшаган даври ижтимоий – сиёсий ҳаёти ҳақда мулоҳазаларни ўртага ташлашди. Бироқ кошғарий фаолиятидаги энг тўғри ва ишончли манба бу муаллифнинг ўзи “Девони луғати-т-турк”да билвосита ишора қилган маълумотлар бўлиб хизмат қилади.

ИЗУЧЕНИЕ ТУРКОЛОГИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МАХМУДА КАШГАРИ

Зилола И. Сатторова

PhD студент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Туркология, кашгароведение, ученый-энциклопедист, Барсган, бухарская школа, династия Караханидов, оригинал, огузский материал, Аль-Каим, Аль-Муктади, библиография.

Аннотация: В данной статье автор рассматривает изучение жизни великого ученого-энциклопедиста Махмуда Кашгари, известного в туркологии своим трудом “Девони лугъати-т-тюрк”.

Ученые опубликовали различные исследования по этому поводу. Родословная Кашгари восходит к династии Караханидов, расспросам ученого и общественно-политической жизни периода, в который он учился и жил. Однако самым точным и достоверным источником в творчестве Кашгари являются сведения, на которые косвенно ссылается сам автор в “Девони лугъати-т-тюрк”.

КИРИШ

Маҳмуд Кошғарий жаҳон илм-фан тарихига ўзининг “Девону луғати-т-турк” асари билан илк туркшунос, луғатшунос, қиёсий лингвистика асосчиси сифатида кирди. Асар араб тилида сўзлашувчиларга туркий тилни ўргатишни мақсад қилган ҳолда араб тилида ёзилган туркий сўзларнинг изоҳли луғатидир. Олим туркий тилларни ўрганишга араб тилшунослигининг тадқиқ усуллари қўллади, шу асосда туркшуносликда янги бир даврни бошлаб берди. Маҳмуд Кошғарийдан бошлаб, туркий тиллар салкам тўққиз аср араб тилшунослиги методологияси асосида ўрганиб келинди.

“Девону луғати-т-турк” (кейинги ўринларда ДЛТ) ўтган асрнинг бошида илм аҳлига таништирилган кундан бугунгача Маҳмуд Кошғарийнинг шахсига оид факт ва тахминларга асосланган бир қанча хулосалар ўртага ташланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кошғарлик Маҳмуд ёки Маҳмуд Кошғарий номи билан танилган муаллифнинг тўлиқ исми Маҳмуд бин ал-Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Кошғарийдир. Ушбу ном китобнинг биринчи саҳифаси сарлавҳасида жойлашган. Муаллиф ўзини “Аллоҳнинг хизматкори Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Кошғарий” деб ёзади.

Муаллиф туғилган йили ва яшаган жойлари ҳақида аниқ бир маълумот қолдирмайди. Девоннинг айрим ўринларида автобиографиясига ишора қилиб кетади:

- “Энди ҳамду салотдан сўнг бу камина, *Mahmud bin Husayn bin Muhammad* сўзларини тинглангиз” (14-бет);

- “Ишончли бир бухоролик олимдан ва нишопурлик бошқа бир олимдан эшитган эдим...”. (14-бет)

- “...Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқизларнинг шаҳарларини қўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, ҳушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида ўста найзадорларидан эдим”. (14-бет)

- “... ҳошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлмиш саййидимиз ва улуғимиз *Abu-l-Qasim Abdullah bin Muhammadi-l-Muqtada biamrillah* га армуғон қилдим”. (14-бет)

- “... биз буларни *Javahiru-n-nahvi fi lug'ati-t-turki* [“Турк тилларининг наҳвига оид гавҳарлар”] отли асаримизда бердик”. (23-бет)

- “*Китоб муаллифи Маҳмуд айтди: Боболаримизнинг amir ни хamir дейишлари шунга мисолдир*”; (57 бет)

- “*Турк шаҳарларини сомонийлардан қўлга олган боболаримиз...*” (57-бет)

- “*Barsg'an (Барсган) Afrasiyab ning bir ўғлининг оти. Barsg'an шаҳрини у бино қилган. Маҳмуд ning отаси шу шаҳардан*”. (466-бет, 2017 – йилдаги нашрдан олинди)

Шунингдек, девонда бир ўринда *Turk* (Турк) сўзини изоҳлаб кошғарлик Халаф ўғли имом Шайх Хусайнниг Пайғамбардан туркларга оид ҳадис ривоят қилгани келтирилган.

1953 йилда Омелжан Прицак “Маҳмуд Кошғарий кимдир?” мақоласини эълон қилди. Унга кўра, Маҳмуд Кошғарийнинг девонда келтирган маълумотларига асосланиб, яъни ота боболари Барсганни сомонийлардан тортиб олгани ва ўша вақтдаги Барсган ҳокими Хусайн ва Кошғарий нисбасидаги Муҳаммад Хусайн битта шахс деган фикрни илгари суради. Прицак гарчи тарихий манбаларга таяниб шу хулосага келган бўлсада, кўпчилик туркологларнинг эътирозига сабаб бўлади. Шу жумладан, турк олими Решат Генч агар Маҳмуднинг бобоси Барсган ҳукмдори бўлса, Кошғарий ўзи, отаси ва бобосини нисбасини келтирганда Қорахон ҳукмдорларига хос унвон ва тахаллусларини ҳамда Қорахонийлар сулоласидан *Чақир Тонкахоннинг ўғли Низомиддин Исрофил Тўғон Текинни* тилга олганда ўзаро оилавий ришталарини ҳам келтириб ўтириши керак эди деб ҳисоблайди.

Ўзбек географ олими Ҳ.Ҳасанов Кошғарийнинг географик тадқиқ этиши давомида девон материаллари ва шарқшунослар мулоҳазаларига асосланиб шундай дейди: “Отаси хизмат юзасидан бўлса керак, Барсгандан Қашқарга кўчган ва шу ерда ўрнашиб қолган. Шунинг учун Маҳмуднинг исми Кошғарий бўлган”. Шунингдек, XI асрда Шарқнинг энг йирик илмий ва маданий маркази Бухорода асос солинган “Бухоро мактаби” ва Бухоро услуби” ning барча илмий марказларга намуна бўлганини эслатади. Демакки, Маҳмуд Кошғарий мадраса илмини Бухорода олган. Чунки деярли бир пайтда ёзилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” маснавийсининг тиббиётга оид ўринларида Ибн Синога эргашган. Шу вaж билан Кошғарий Бухоро, Марв, Нишопур ва Бағдодга яшаганини ва умрининг сўнгини Кошғарда ўтказганини таҳмин қилади.

1972 йилда “Советская тюркология” журналида атоқли туркшунос А.Н. Кононовнинг Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва илмий меросига оид тадқиқотини эълон қилинади. Олим ўзигача Кошғарий фаолиятига оид ишларни умумлаштириб, ўз хулосасини беради.

Муаллиф ҳақдаги жуда оз маълумот билвосита ДЛТ да келтирилган. Маҳмуд Кошғарийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган. Афсуски, ўша даврнинг яна бир машҳур қўлёзмаси, девон билан деярли бир вақтда ёзилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”ида ҳам Кошғарий ва унинг девони тўғрисида бир фикр топилмади. Девонни варақлаган ҳар қандай тадқиқотчи ёки мустақил ўқувчи борки, Кошғарийнинг етук қомусий олим эканлигига сўзсиз тан беради. Бироқ нэга нафақат ўз даврининг, балки бугуннинг ҳам улуғ тадқиқотчи новатори ҳақида тарих саҳифалари, йилномалари-ю, баёзу маноқибларида ҳам ҳеч нима қораланмаган деган савол барчани ўйлантириб келмоқда. Кошғарий тўғрисидаги тор маълумот фақатгина девоннинг ўзида келтирилган. Лекин бу маълумотлар ҳам атай сўзбоши ёки якунловчи қисмда махсус боб билан берилмасдан мақола ичига жойланган. Яъни 12 та ўзига хос биографик бўлмаган маълумотлар билан боғлиқ бўлган мулоҳазалар мавжуд.

Бундан ташқари, ушбу нисба фақат девон нусхасининг муқаддимасида мавжуд. Маҳмуд Кошғарийнинг қаерда ва қачон, нима сабабдан Кошғарий нисбасини олганлиги номаълум. Муаллифнинг туғилган жойи тўғрисида ҳам, афсуски, аниқ маълумот йўқ. Туркологлар эътирофича, М. Кошғарийнинг туғилган шаҳри Опал бўлиб, у ҳозирги кунгача мавжуд - Қашқар шаҳридан 45 километр узоқликда жойлашган. Маҳмуд Кошғарий фақат отаси Барсган шаҳридан эканлиги ҳақида хабар беради. Тадқиқотчилар унинг Иссиқкўл қирғоғида жойлашган Юқори Барсганлик деган тўхтамга келишган. Барсган Талас дарёсининг ўнг қирғоғида, ҳозирги Жамбул шаҳрига қарама-қарши жойда жойлашган эди.

Маҳмуд Кошғарий аجدодларидан бирини Бухорони забт этган амир деб таъкидлаган, аммо у бу ҳақда ҳеч қандай очиқ маълумот қолдирмаган, шунинг учун бу маълумот чуқур баҳсларга сабаб бўлди.

Девон тадқиқотчиларидан А. Ҳазиеванинг келтиришича, муаллифнинг таржимаи холини ўрганиш соҳасида олиб борилган сўнгги тадқиқотлар М.Кошғарийнинг бевосита авлоди, ҳукмрон Қорахонийлар сулоласининг валиаҳд шаҳзодаси (Қорахонийлар империяси 840 йилдан 1212 йилгача мавжуд бўлган) деган хулосага келишимизга имкон беради. Шунингдек Маҳмуд Кошғарий ёшлик чоғларида ички низолар авж олган пайтда сарой тўнтаришининг қурбонига айланиши, натижада бобоси ва отаси ўлдирилиши эҳтимоли катта эди. М.Кошғарий қандайдир тарзда ўлимдан қочишга муваффақ бўлган, аммо у қувғинда яшашга мажбур бўлган. Балки шу сабабли у кенг турк қабила, уруғларини кезиб чиқиб, Ватани Туркистондан ғарбга борган. Ўша пайтда бутун Яқин

Шарқ маданияти ва илми маркази бўлган Хуросон пойтахти Нишопурда эди. Шундан сўнг муаллиф шарқ уйғониш даври ўчоқларидан бири Бағдодга боради. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра бу тарихий воқеа 1055 йилда бўй берган. Бағдод ўша даврда салжукий турклар тасарруфида эди. Кошғарий ана шу давр мобайнида луғат учун етарли манбаларни йиғиб, тартиблайди. Еҳтимол, айнан шу биз қувғинлик деб атаётган саёҳат даврида туркий тилни араб тили орқали таърифлаш учун луғат тузиш режаси пайдо бўлган. Ушбу тахминларга кўра муаллиф девонни Бағдодда ёзган деган фикр келиб чиқади. Бироқ бу масала ҳам катта баҳсларга сабаб бўлмоқда. Чунки девоннинг бирон ўрнида Бағдод учрамайди.

Муаллиф ўз ишини 44- йил, яъни милодий 1031-1075 йилгача Бағдодда халифалик қилган Ал-Қаимга тақдим этмоқчи бўлади. Кошғарийга халифанинг кўмаги муҳим эди. Ал-Қаим жуда доно ҳукмдор ҳисобланар, унинг ёрдамидан ҳақиқатдан ҳам умид қилиш мумкин эди. Девон матнида жуда катта миқдордаги Ўғуз материалининг мавжудлиги, эҳтимол, халифанинг саройига киришда Кошғарийни қўллаб-қувватлаган ва ёрдам берган ўғуз зодагонлари вакиллари бўлганлигидан далолат беради. Бироқ, Ал-Қаим XIII асрда асар ёзилишидан олдин вафот этди ва бағишловда унинг исми янги халифа Ал-Муқтадий номи билан тузатилди. Кошғарий ўзининг кўп йиллик ишини халифага ишониб топширди ва бир неча йилни Бағдодда ўтказди. Бундай катта ҳажмли ва аҳамиятли асарни ўша даврдаги библиографлар ҳам, биографлар ҳам қайд этмаганлиги ажабланарли. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Маҳмуд Кошғарий умрининг охирида 86 ёшида ватанига, туғилган шаҳри Опалга қайтган. У ерда Маҳмудия Мадрасасини очди, 8 йил дарс беради ва 1105 йилда 97 ёшида вафот этади (шунинг учун унинг туғилган йили 1008 йил).

“Девону луғати-т-турк”дек йирик ҳажмли китобнинг бугунги кунимизгача етиб келиши бир мўжиза. Юқорида эътироф этилганидек, бу асар муаллифи ҳақидаги маълумотлар ва қўлёзма аслиятининг мавжуд эмаслиги бизга номаълум, еҳтимол, сиёсий мақсадни кўзлаб йўқотилган ёки нисбатан асар нусхаларининг камлиги билан изоҳланади (Девоннинг Кошғарий имзоси билан 4 нусхаси борлиги қайд этилади, бироқ бу нусхаларнинг биронтаси ҳозирча топилган эмас). Акс ҳолда бу асар XX аср бошларигача номаълумлигича қолмас эди.

ХУЛОСА

Маҳмуд Кошғарийнинг фаолияти ҳамда туғилиб ўсган юрти, таҳсил олган жойлари, туркий қабилаларни кезиб чиқиши географияси фақатгина девонда алломанинг ўз

автобиографиясига ишора қилиб кетган ўринларга қараб муқобил хулоса чиқариш мумкин. Тўғри, асар таълифи ва луғатнинг асосий қисмда келган маълумотлар аксар бирига зид. Бироқ бизда муаллиф нусхаси мавжуд эмаслиги, ягона нусха ҳам икки асрдан сўнг туркий ва араб тили билимдони бўлмаган котиб томонидан қўчирилгани, қарийб саккиз асрлик узок тарихий давр айрим чалкашликларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, девонда келтирилган маълумотлар асосида қуйидагича фикр билдириш мумкин:

- Кошғарий ҳақиқатдан ҳам Қорахонийлар династияси вакили (ҳам диний, ҳам дунёвий ва жанг санъатида моҳирлик юқори табақа вакиллари нисбатан имтиёзли бўлган);

- Девоннинг айрим ўринларда учрайдиган кичик грамматик хатолар Кошғарийга хос эмас, балки китоб эгалари, “ўзга қўл” ёки котибнинг хатоси (мураккаб грамматик қоидаларни ишлаб чиққан олим кичик деталларда хато қилиши мантиққа зид);

- аллома Ислом дини марказларидан бўлмиш Бухоро ва Нишопурда таҳсил олган;

- Кошғарийнинг отаси барсганлик бўлган;

- *Javahiru-n-nahvi fi lug'ati-t-turki* [“ Турк тилларининг наҳвига оид гавҳарлар” илмий асарини девондан олдинроқ ёзган, балки муаллиф ўша китобда ўз таржимайи холини келтиргани сабаб, девонда ўрин қолдирмагани эҳтимолга яқин:

- девон ва муаллиф биографиясининг номаълум қолишига сиёсий омилларнинг таъсири бўлиши мумкин.

Маҳмуд Кошғарий нафақат замонасининг балки ҳамма даврларнинг ҳам буюк турколог, комусий олими. У яратган тил қонуниятлари ҳозирга қадар туркшуносликда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Brockelmann C. Mitteltürkischer Wortschatz nach Mahmud al-Kāşgaris Divan Lughat at-Turk. Bibliotheca Orientalis Hungarica. Budapest-Leipzig, 1, 1928.;
2. Ercilasun, A. B., Akkoyunlu, Z. (2014). Kāşgarlı Mahmud Dîvânü Lugâti't-Türk (Giriş - Metin - Çeviri - Notlar - Dizin), Ankara: TDK Yayınları. S.1120
3. M. Hartmann. Dîvânü Lügâti't-Tiirk'e Ait Birkaç Mülâhaza, Milli Tettebbular Mecmuası, sayı 4, Eylül-Ekim 1331, s
4. Mahmud al-Kāşyari. Compendium of the Turkic Dialects (DTwān Luyāt at-Turk). Edited and Translated with Introduction and Indices by Robert Dankoff in Collaboration with James Kelly. Parts I—III. Harvard, 1982-1985 P.8;
5. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т- турк –Т.: Ғафур Ғулом. Нашрга тайёрловчи Содиқов.Қ. 2017. –Б 57

6. Omeljan Pritsak, Mahmud al-Kaşgarî Kimdir? Türkiye Mecmuası, C. 10, İst. 1953, s. 243;
7. Prof.Dr.Resat GENC. Kaşgarlı Mahmud’a göre XI. Yuzyilda turk dunyasi. Giriş/ KASGARLI MAHMUD VE ESERLERİ/ Hayati va Sahsiyati. TÜRK KÜLTÜRÜNÜ ARAŞTIRMA ENSTİTÜSÜ YAYINLARI : 147. Ankara/1997. 16-sahifa
8. Zeynep Korkmaz. Kaşgarlı Mahmud kimdir // Türk Dili Üzerine Araştırmalar, C.1, TDK Yay.:629
9. Кононов,А.Н. Махмуд Кашгарский и его “Дивану лугат ит-түрк” // Советская тюркология. – 1972.– № 1. –С. 3-17;
10. Махмуд ал-Кāшгарū.Дīvān лугāt ат-турк. В 3-х томах. Том 1/Предислови И.В.Кормушина. Москва: Восточная литература, 2010. С.22-29
11. Содиқов Қ. “Эски ўзбек ёзма адабий тили”. Т: “Akademnashr” 2021. – Б-97.
12. Хазиева А. А. Лексика словаря Махмуда Кашгари «Дивану люгати ит-тюрк» В сравнении с современным башкирским языком. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Уфа 2018 . 218-9.с.
13. Ҳасанов Ҳамидулла. Сайёҳ олимлар. :Т. “Ўзбекистон”. 1981. Б.119-120.
14. Sattorova, Z. I. (2020). ON THE POETICS OF LYRICAL SONGS IN DIWAN LUGHAT AL-TURK. In *SCIENCE INNOVATIONS* (pp. 22-27).
15. Sattorova, Z. I. (2020). ANALYSIS OF MAHMUD AL-KASHGARI SONGS IN “DIWAN LUGHAT AL-TURK”. In *WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS* (pp. 105-109).
16. Omonov, Q., & Karimov, N. (2020). Importance Of Ancestral Heritage. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09), 196-202.
17. Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). THE ORIGIN OF AN OFFICIAL TURKIC STYLE AND ITS PLACE IN THE DEVELOPMENT OF A WRITTEN LITERARY LANGUAGE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 45-49.
18. Doniyorov, A., & Karimov, N. (2020). An incomparable book of a great scholar. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (8), 63-71.